

QO'QON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI

150700, Qo'qon shahar, I.Buxoriyko 'chasi, 37



KOKAND INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT

150700, Kokand, I. Bukhari street, 37

Tel: (+99873) 543-48-15

e-mail: i.quqon@sud.uz

А Ж Р И М

(аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида)

Қўқон шахри

2023 йил 30 январь 4-1502-2301/132-сон иш

Қўқон туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Маматкуловнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи Аризачи номининг жавобгар Жавобгар номини банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили ХХХ (ишончнома асосида)нинг иштирокида, суднинг биносида ўтказилган очик суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Аризачи Аризачи номи (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Жавобгар номи (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)ни банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачи вакили аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор этилган, лекин суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд иш ҳужжатларига баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра ишни кўрмасдан қолдиришни лозим топди:

аниқланишича, жавобгар 2022-йил октябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этмаган.

Шу сабабли, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ҳақида судга ариза киритган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 149-моддасининг биринчи қисмида ариза судга ёзма шаклда берилиши, у аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланиши, 61-моддасининг биринчи қисмида судда юридик шахсларнинг ишларини уларнинг қонунчиликда ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладиган органлари ва (ёки) вакиллари юритиши, 62-моддасининг биринчи қисмида вакилнинг судда иш юритишга доир ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада кўрсатилган бўлиши кераклиги, 63-моддасининг мазмунида аризани имзолаш



ваколати ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд муҳокамаси жараёнида ушбу аризани аризачи раҳбарининг ўринбосари 2023 йилнинг январь ойида имзолаганлиги, унга бундай аризани имзолаш ҳуқуқини берувчи ишончноманинг амал қилиш муддати эса 2022 йилнинг 31 декабрда тугаганлиги, ариза имзоланган кунда унда бундай ишончнома мавжуд эмаслиги аниқланди.

ИПК 107-моддасининг 3-бандига мувофиқ, ариза имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса суд аризани кўрмасдан қолдиради.

Юқоридагиларга асосан суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар – ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Шу сабабли, мазкур иш бўйича давлат божи ундирилмайди.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 195-196-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Аризачи номининг аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан бир ойлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Эргашев

